



МИРАК МУҲАММАД ТОШКАНДИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Yusufjon Djurabayev
pointnuqtai@outlook.com

Аннотация: Ушбу мақолада илмий ва адабий фаолияти XVI асрда Мовароуннаҳрда шаклланган машҳур адиб ва мутафаккирлардан бири – Мирак Муҳаммад Тошкандийнинг илмий мероси таҳлил қилинади. Муаллифнинг фаолияти, яшаган муҳити, таълим олган мактаби ва қолдирган асарлари асосида унинг форс, туркий ва араб тили ҳамда грамматикасига тутган муносабати, илмий услуби ва адабий маданиятдаги ўрни очиқ берилган. Мақолада замонавий тилишунослик ва адабий танқид нуқтаи назаридан қараб, Тошкандийнинг методологик ёндашувлари, сўз танлаш маданияти ва нутқ тузилишини таълимий жараён билан уйғунликда таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Мирак Муҳаммад Тошкандий, Ужсала тул байан, Наводирул амсол, грамматика, адабий шарҳ, услубий таҳлил, корпус филологияси, тилишунослик, классик шарҳ адабиёти, Тошкент адабий муҳити, шарҳ услуби, манба шунослик, метафора динамикаси, лексик тезлик, таълим ва бадий нутқ.

Кириш

Тарихнинг муайян босқичларида тил ва маърифатнинг етакчи намоёнalarидан бири бўлган адиблар ўз асарлари орқали замонасининг руҳий-маънавий ва илм-маърифий манзарасини белгилаб берганлар. XVI асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Мирак Муҳаммад Тошкандий ана шундай адиб ва мутафаккирлардан ҳисобланади. Унинг фаолияти Шарқ Ренессанси деб аталган маданий уйғониш даврида шаклланди ва замонасининг илғор билимдонларидан бири сифатида ном қозонди.

Мирак Муҳаммад Тошкандийнинг ҳаёти ва таълим олиш манбалари

Муҳаммад Мирак Тошкандий ҳақидаги маълумотлар жуда оз ва пароканда ҳолда етиб келган. Унинг ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумотлар анча ноаниқ бўлса-да, баъзи манбаларда келтирилган қисқа маълумотлар асосида унинг Тошкентда туғилиб ўсгани ва шу ерда аввалги таълимни олгани тахмин қилинади. Унинг умри охирида Туркия ҳудудида истиқомат қилиб, айти ўша ерда машҳур асарларидан бири "Наводирул амсол"ни ёзгани маълум.



Унинг боболаридан бири астроном ва математика олими Али Қушчийнинг авлоди бўлганлиги ҳам айтилади.[1] Бу маълумот унинг илмга нисбатан ирсий қараш ва меросий мотивация билан ёндашганини кўрсатади.

Илмий фаолияти ва асосий асарлари

Мирак Муҳаммад Тошкандий кўплаб асарлар муаллифи сифатида танилган. Унинг машҳур асарларидан бири – "Ужалатул байан фи шарҳ Мийзанил адаб" номли шарҳий асардир. Бу асар Исфарайнийнинг "Мийзон ал-адаб" номли грамматик рисоласига шарҳ сифатида ёзилган. Мирак Муҳаммад ушбу асарида грамматик тушунчаларни шарҳлашда адабий, мантикий ва лексик манбалардан кенг фойдаланган. Шу жиҳатдан, асар фақат тилшунослик эмас, балки маданий таҳлил жиҳатидан ҳам қимматли ҳисобланади.[2]

"Наводирул амсол" эса туркий ва форсий тиллардаги иборалар, мақоллар ва фразеологизмлар тўплами бўлиб, адабий тилда фойдаланиш мумкин бўлган бой манбадир.[3] Мирак Муҳаммад бу асарида реал ҳаётдан олинган мазмунларни қисқа ва таъсирли тарзда ёритишга интилади. Бу асар ўз давридаги бадиий услубнинг инъикоси, халқ тилида шаклланган нозик маъноларни ёритишга интиладиган адабий манба намуналаридан бири сифатида ҳам қадрланади.

Унинг "Шаҳрий ва Гули" номли асари ҳам адабий-маърифий йўналишда бўлиб, замонавий психология ва ахлоқшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мумкин бўлган асардир.

Асар Тошкандийнинг адабий ва маданий муҳитга оид мулоҳазаларини баён этади. У форсий тилида бўлиб, Истанбул, Шероз ва Румелийдаги адабий мажлислар ва уларнинг маҳаллий урф-одатлари ҳақида сўз юритилади.[4]

Тошкандийнинг илмий услуби ва адабий ўрни

Мирак Муҳаммад Тошкандийнинг шарҳлари назарий билимлар билан чегараланмай, мисол ва таҳлиллар билан бойитилган. У араб грамматикасининг мураккаб мавзуларини аниқ, содда ва фаҳмли тилда изоҳлайди. Жумладан, у Журжоний ва Тафтазонийнинг услубини танқидий таҳлил қилади ва ўз илмий ёндашувини таклиф этади.

Бу жиҳатда Тошкандий ўз давридаги грамматик фикрлаш услубига янгича нафас, адабий енгиллик ва илмий таҳлил киритган адиб сифатида баҳоланади.

Унинг услубидаги образлилик ва тил уйғунлиги жуда кўп замонавий тилшунослар учун ўрнак бўлади. Шу билан бирга, нутқ динамикасини сақлаган ҳолда илмий фикрни ёритишдаги маҳорат у учун ўзига хос "мухтасарликда мазмун" услубини шакллантирган.

Унинг асарлари стилистик мувозанат ва образли тафаккур намоён бўлган дастлабки таркибий тизимларнинг шаклланишида муҳим босқич бўлиб хизмат



қилганини таъкидлаш лозим. Унинг услуби – замонавий лексик-семантик таҳлил учун бой майдондир.

Шунингдек, Тошкандийнинг шарҳларида кўпинча ўқувчи билан мулоқот орқали фикр юритиш услуби кузатилади. Бу услуб унинг педагогик интуицияси кучли бўлганлигини кўрсатади ва замонавий таълим методларига хос диалогик ёндашув билан уйғунлашади.

Замонавий тадқиқотларда Миракнинг услубини корпус таҳлили, лексик тезлик ва метафора динамикаси каби методлар билан ҳам қайта ўрганиш орқали, ундаги нутқ жараёни ва услубий изчиллик янада аниқроқ намоён бўлиши мумкин. Бу каби таҳлиллар нафақат унинг услуби, балки у томонидан яратилган матннинг адабий эстетикасини ҳам қайта ўқишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан, Мирак услубини корпус-филологик таҳлил орқали тадқиқ қилиш – адабий-назарий тадқиқотлар учун янги дунё эшикларини очиши мумкин.

Хулоса: Мирак Муҳаммад Тошкандий XVI асрда яшаб ижод этган, тилшунослик ва адабиёт соҳаларида ўз ўрнига эга, маҳоратли ва танланган мутафаккирлардан бири бўлган. Унинг асарлари орқали қардош тилларнинг ўзаро таъсири, грамматик тушунчаларни баён этиш услуби, ва адабий жараёнларнинг тарзлари ҳақида бой маълумотларга эга бўламиз. Тошкандийнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам тилшунос ва адабиётшунослар учун манба сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Изоҳлар:

[1] Кафавий. Катоибул аълам. –б.345. Котиб Чалабий. Кашфуз зунун. –ж. 1. –б.282.

[2] Ужалатул баён қўлёзмаси нусхасини кўчирган Али Ҳасан ўз қайдларида шундай ёзади: "Исфараиний ўзи ҳам "Мийзон ал-адаб"ни Тошкандийга қараганда соддароқ иборада келтирган". Қаранг: Муҳаммад Мирак Тошкандий Ужала ал-баён фи шарҳ ал-мизон, кўчирувчи: Али ибн Ҳасан. Кўпрулу кутубхонаси. Муҳаммад Осим Бей тўплами, классификация рақами: 492.7, феҳрист рақами: 534603, Истанбул, 1091.

[3] Қаранг: Баҳоуддин Қахрамон. "Муҳаммад Мирак Тошкандийнинг "Шаҳрий ва Гули" асарига тадқиқ ва таҳқиқ", 6-бет.

[4] Қаранг: Баҳоуддин Қахрамон. "Муҳаммад Мирак Тошкандийнинг "Шаҳрий ва Гули" асарига тадқиқ ва таҳқиқ", кириш қисми.